INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 25 июнь, № 126 (4789) Пайшанба

**«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»**

## САЛОҲИЯТИ ЮКСАК, САХОВАТИ БЕҚИЁС ЗАМИН

***Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, бугунги кунда мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, орномусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Истиқлол туфайли юртимизнинг барча ҳудудлари каби Фарғона вилоятида ҳам кўркам ва файзли масканлар кўзни яшнатмоқда.***

ИСЛОҲОТ

Дарҳақиқат, шаҳарларимиз шинам, гўзал, яшашга қулай. Лекин бугунги кунда қишлоқларимиз ҳам шаҳарлардан қолишмайдиган бўлиб бораяпти. Айниқса, Юртбошимизнинг 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиши мамлакатимизнинг ҳамма жойида янги бир гувранишга сабаб бўлдики, буни Фарғона вилоятида, айниқса, яққол кўриш мумкин.

Узоққа бормай, битта мисол келтириб ўтмоқчиман. Маҳалламизда вужуди пайга айланиб кетган, қўллари тарашадек бир қадрдоним бор. Умрини далада ўтказганлардан. Эрталабда у билан кўришиб қолдик. Вақти чоғ. "Йўл бўлсин" дейман. "Банкка. Бугун кредит оладиган бўлдим". "Ўҳ-ҳў... қанча?", "Ўн миллион", "Бунча пулни нимага ишлатмоқчисиз?" "Бешта зотдор сигир оламан. Ўн-ўн бешта қўй, юзтача товуқ оламан... давлатимизга раҳмат, ака!"

Билиб турибман, унинг қувончи ичига сиғмайди. Бу маблағ билан унча-мунча ниятларини амалга ошириши аниқ. Чунки у ўйлаб, пухта режа билан иш қиладиганлардан. Иннайкейин, ўзиям тинмайди, учта ўғлиниям тиндирмайди. Ўғилляриям зўр. Тракторни ҳам ҳайдашади, сувчилик ҳам қилишади.

Мақтанаяпти деманг-у ҳар куни ҳамқишлоқларим даврасидаман. Тўй-тўйчиқларда, иссиқсовуқ маъракаларда содда, тўпори, оқибатли, гаплари тасир-тусир одамлар билан гаплашиш ўта мароқли. Баъзида улар деҳқончилик қилаётган далаларга ҳам бориб тураман. Шабада мавжланиб турган ғаллазорлар, пахта далаларида сузиб юрган тракторларга, офтобда пишиб кетган серғайрат одамларга боқиб, қуш тинса тинади, булар тинмайди, деган гаплар кўнгилдан ўтади.

Республикамиз бўйлаб майда фермер хўжаликларини йириклаштиришга ўтилиши Фарғона вилоятида ҳам яхши самаралар берди.

(Давоми 2-бетда).



*Учкўприк туманидаги "Нилуфар" хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонаси истиқлол шарофати билан ташкил этилган.*

***СУРАТДА:** корхона тикувчиси Мафтуна Носирова ва дизайнер Ҳаётхон Матмусаева иш устида.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

***24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.***

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ф. Хатамов «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилайди, давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар ўртасидаги, шунингдек, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги мазкур соҳага таааллуқли муносабатларни тартибга солади.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳужжатнинг модда-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларнинг ва улардан кўриладиган зарарнинг олдини олишга доир иқтисодий, ташкилий-техник ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуини ҳал этиш билан боғлиқ нормаларни кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Абдуназаров маъруза қилди. Қонун лойиҳаси электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ҳужжатда электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсати, бу соҳадаги фаолиятни лицензиялаш, миллий электр тармоғининг ҳуқуқий мақоми, электр энергияси бозорининг ташкил этилиши масалалари катта ўрин тутади.

Қонун лойиҳасини батафсил муҳокама қилиш жараёнида депутатлар томонидан таъкидландики, ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши бозор муносабатларини чуқурлаштириш шароитларида электр энергетикаси соҳасидаги корхоналар ва ташкилотларнинг янада самарали ишлашини таъминлаш, инвестицияларни жалб этиш учун қулайликлар яратиш, аҳолини иссиқлик ва электр нури билан таъминлашни яхшилаш имконини беради. Айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш юзасидан киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $185^2$-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси электр ва иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик учун жиноий жавобгарликни, шунингдек, водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказганлик, уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш пайтида депутатлар киритилаётган ўзгартишлар коммунал хизматлардан фойдаланиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар учун жазонинг муқаррарлиги принципини рўёбга чиқаришга, давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар. Қонунчилик палатаси депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Умарова тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳалари қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари, шунингдек, дори воситаларининг қонунга хилоф нусхалари муомалада бўлишига қарши курашишни кучайтириш зарурлиги муносабати билан ишлаб чиқилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда қалбакилаштирилган препаратлар миқдори ошиб бормоқда, ҳам мамлакатимиз, ҳам чет эл фирмаларининг барчага яхши маълум бўлган ва кўп фойдаланиладиган препаратларининг деярли ҳаммаси қалбакилаштирилмоқда. Шу муносабат билан сифатсиз ёхуд қалбакилаштирилган дори воситалари ёки тиббий буюмларни аҳолига сотиш мақсадида ишлаб чиқарганлик, олганлик, сақлаганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни белгилаш таклиф этилди.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида депутатлар таъкидлашдики, «қалбакилаштирилган дори воситаси», «сифатсиз дори воситаси», «дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари» каби тушунчаларни аниқ белгилаб берувчи мезонларнинг, шунингдек, улар-

(Давоми 2-бетда).

***Тадбиркорликни ривожлантирмасдан туриб, бозор муносабатларини юзага келтириш мумкин эмас. Тадбиркорликнинг сифати ва салмоғи эса, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари нечоғли мустаҳкам ҳимоя этилганлигига, рақобат муҳитининг қай даражада шаклланганлиги ва дахлсизлигига боғлиқ.***

## СОҒЛОМ РАҚОБАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Қарор ва ижро

Маълумки, кичик корхоналар равнақ топадиган бўлса, бозорларни маҳсулот ва хизмат турлари билан бойитади, бозор иштирокчилари сонини кўпайтиради, монополиячи бозорларни синдириб, рақобатни кенгайтиради ҳамда маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади. Шунингдек, илмий-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга омил бўлади. Айни пайтда улар меҳнат кўламини кенгайтириб, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашнинг янгидан-янги имкониятларини вужудга келтиради. Кичик корхоналар қишлоқлар, кичик шаҳарчаларни ривожлантиришга, ҳунармандлик ва ёрдамчи хўжаликларнинг қайта туғилишига, ижтимоий масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Юртимизда ҳар йили 40 мингдан кўпроқ янги кичик корхоналар вужудга келиб, уларда 300-500 минг киши иш жойларини топаётир.

Мазкур сектор халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида тобора салмоқли ўринга эга бўлиб, жадал ривожланиш йўлидан бормоқда. Чунончи, республикамизда ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган жамики қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 96,4 фоизи, саноат маҳсулотларининг 14,1 фоизи, умумий қурилиш ишлари ҳажмининг 32,9 фоизидан кўпроғи ва тўловли хизмат соҳасининг 38,3 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Чакана товар алмашинувининг 42 фоизини ҳам тадбиркорлик тизими шакллантирмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, уни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган улкан чора-тадбирлар, микрокредитлашнинг янгича тартиблари, лицензиялаш, рўйхатга олиш, қайд этиш, ҳисоб-китоб юритиш ва солиқ тўлови шартларининг соддалаштирилиши мамлакатдаги хўжалик субъектларининг такомиллашуви учун иқтисодий шарт-шароитларнинг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келди.

Чунончи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 12 фоиздан 7 фоизга, юридик шахслар учун даромад солиғи эса 15 фоиздан 10 фоизга камайтирилди. Назорат органлари томонидан уюштириладиган текширишлар сони 61 фоизга қисқарди. Масалан, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси жорий йилда режали текширишларни ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қилди.

(Давоми 3-бетда).

## БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

***Германия пойтахтида 2009 йилнинг Ўзбекистонда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши ҳамда юртимизнинг туристик салоҳиятига бағишланган кеча бўлиб ўтди. «Фридрихсфельд-Зюд» маданият марказида ўтган тадбир мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси кўмагида «Лихтенберг маданий жамияти» томонидан ташкил этилди.***

Биз ва жаҳон

Унда Берлиннинг Лихтенберг тумани маъмурияти, шаҳар жамоатчилиги, ишбилармон доиралар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Кечани очар экан, «Лихтенберг маданий жамияти» раҳбари Д. Клуге хоним ушбу тадбир Ўзбекистоннинг ҳар томонлама юксак салоҳиятини намойиш этиб, мамлакатнинг ҳозирги кундаги ҳаёти, тараққиёт йўли, унда юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятини беришини қайд этди.

Иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатнинг иқтисодий ривожини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, инфратузилмани такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларидаги ислоҳотлар, қишлоқ ҳудуди аҳолисининг манфаатларини таъминлаш, қишлоқ жойларда саноатни ривожлантиришга қаратилган сиёсати ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Бундан ташқари, иштирокчиларга Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда сўзга чиққан Германиянинг «Lernidee Erlebnis Reisen Gmbh» туристик компанияси раҳбари Р. Эрбингер Ўзбекистонда ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида турист сифатида бўлгани ҳақида гапирди.

— У пайтда мамлакатдаги сайёҳлик инфратузилмаси анчагина чегараланган эди, — дейди бизнесмен. — Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, жумладан, мамлакатда кўплаб замонавий меҳмонхоналар қад кўтарди, соҳа инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бетакрор тарихий-маданий ёдгорликлар мамлакатга келаётган туристлар оқимининг ўсиб боришига хизмат қилиши, шубҳасиз. Бунга иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистонга ошиқаётган немис сайёҳларининг сони мунтазам ортиб бораётгани далил бўлади.

Тадбир доирасида иштирокчилар эътиборига Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳавола қилиниб, мамлакатимизнинг қадимги шаҳарларига бағишланган фотосуратлар ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## КЎНГИЛЛАРДА ИФТИХОР ҲИССИ

***Бугун юртдошларимиз қалбида эртанги кун умиди, фарзандлар камолини кўриш орзуси, айни дамдаги фаровон ҳаётдан мамнунлик ҳисси жўш урмоқда. Айниқса, осойишталик шукронасини қилиб, юртимизнинг зиёратгоҳ гўшаларига саёҳатга отланаётган, маънавий ҳордиқ завқини туяётган кўплаб кишиларга дуч келиш мумкин. Муаззам пойтахтимиз чиройидан баҳра олиш истагида азим шаҳар бағрида бунёд этилган бетакрор мажмуаю иншоотларга ғурурланиб боқаётган, гўзал боғ ва хиёбонларда сайру саёҳат этиб юрган ҳамюртларимизнинг мамнуният ҳисси уфуриб турган самимий изҳорларига қулоқ тутиб, дил равшан тортади.***

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан**

**Саттор НЕКОВ, ўқитувчи, Ромитан тумани:**

*— Таътилга чиққандим, мароқли ҳордиқ чиқарайин, деб Тошкент зиёратига ошиқдим. Очиғи, иш билан бўлиб, пойтахтга ўн йил деганда энди келибман. Бугун бу ерлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Ўттиз беш йиллик умримни ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган эмасманми, шу боис сайру саёҳатни "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидан бошладим. Тубдан қайта таъмирланиб, бетакрор қиёфа касб этган шаҳарчани сайр этиб юриб, ўзимнинг ёшлик йилларим эсга тушди. Биз ўқиган даврлардаги шароит билан бугунги имкониятларни қиёслаб бўлмайди. Сафаримнинг иккинчи куни "Туркистон" санъат саройидаги концертга бориш насиб этди. Бу ердаги кўзлари ёниб турган шўх-шодон ўғил-қизларга боқиб, дилинг яйрайди, киши. Жондан азиз фарзандларимиз*

(Давоми 4-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



**Ахборот ва коммуникация технологиялари тизими жадал ривожланмоқда**

**2009** йилнинг биринчи чорагида республикамиз ахборот ва коммуникация технологиялари тизимида **377,6** миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

**Мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, хизматлар ҳажмини ошириш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш натижасида соҳада шундай юқори ўсиш даражаси таъминланди.**

**Ҳар қандай жамиятда ахборот мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлиб хизмат қилиб келган. Бу ҳолат бугунги глобаллашув замонида ҳар қачонгидан кўра кенг тармоқ ёзди. Шундай экан, холис ва ҳаққоний ахборотни тарқатиш, омманинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.**

# ЭРКИН АХБОРОТ ОЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний "Хабар, — деб ёзади, — хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил. Халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп".

Бундан ўн аср муқаддам айтилган бу сўзлар ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаш, атрофда содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш, ҳар қандай нохолис ахборот хуружлари замирида рангли инқилоблар, намойишлар ётганлигини аҳолига ва аввало, ёшларимизга тушунтиришда ОАВнинг ўрни ва таъсир кучи беқиёс эканлигини яна бир бор исботлайди.

Қадим-қадимларда ҳам тўлақонли ахборот ва хабарга эҳтиёж бўлган. Зардуштийлик тарихига оид манбаларда айтилишича, Худо ўзининг яратувчи, холиқ, яккаю ягона эканлигини Заратуштрага аён қилиб, уни босқинчилик ва вайронгарчиликларнинг олдини олиш, ҳалол меҳнат қилиб, тинчтотув яшаш, адолат ва ҳақиқатга сажда қилиш кераклиги ҳақидаги Худонинг пайғоми (хабари)ни одамларга етказувчи сифатида танлаган. Ўттиз аср муқаддам битилган муқаддас ёзма ёдгорлик бўлмиш "Авесто" китоби ҳар қандай хабар, янгилик ўзининг тўкомиллиги, ҳақиқийлиги, ишончлилиги билан баҳоланиши, унинг ёрдамида инсоният яхшилик ва эзгуликка қараб интилиши тўғрисида таълим беради. Мана, асрлар ошса-да, ахборотга бўлган талаб деярли ўзгарган эмас. Аксинча, инсон, жамият ва давлат ҳаётида унинг аҳамияти муттасил ошиб бораётир.

Ҳозирга келиб эса, жамиятнинг ахборотлашганлик салоҳияти, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг мавқеи мамлакатлар ривожланиши стратегиясини шакллантиришда ва уни бевосита амалга оширишда энг муҳим ва зарур омилга айланди. Давлатимиз раҳбари жамиятимиз ривожида оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида тўхталиб: "Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди... уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан бўлди", деб таъкидлаганлар.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи ўндан ошиқ қонунларнинг таҳлили — бу соҳага оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш изчил ва тизимли тарзда амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда. Айни шу мустаҳкам ҳуқуқий асос ва мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида босма нашрлар сони кўпайди, нодавлат газета ҳамда теле ва радиостудиялар тизими юзага келди. Айниқса, 1997 йилда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ёш мустақил давлатимиз учун прогрессив ҳолат бўлиб, журналистларнинг қонун даражасида давлат томонидан ҳимоя қилиниши, ахборотни эркин олиш, цензура тақиқланганлиги тўғрисидаги меъёрларни ўзида акс эттирди.

Айтиш жоизки, мазкур Қонун қабул қилинганидан сўнг, оммавий ахборот воситалари таҳририятларида ижтимоий-сиёсий муҳит шаклланди, шу билан бирга, уларнинг иқтисодий шароитлари тубдан ўзгарди. Оммавий ахборот воситаларининг кўплаб ташкил этилиши натижасида эса рақобат муҳити юзага келди. Жумладан, 1994 йилда республикада 475 та ОАВ, улардан 384 та газета, 66 та журнал, 19 та телестудия, 3 та кабель телевидениеси, 2 та радиостудия ва битта агентлик фаолият кўрсатган бўлса, 2009 йилга ке-

**Давр**

либ 1119 та ОАВ, шулардан 957 та босма, 4 та ахборот агентлиги, 17 та радио ва 57 та телестудия, 80 та интернет нашрлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу оммавий ахборот воситаларининг қирқ фоиздан ошиғини нодавлат ОАВ ташкил этади.

Бошқача айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари ишида янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун меъёрларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ва такомиллаштиришни талаб қилди. Шуларни эътиборга олган ҳолда, 2007 йилда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририда қабул қилиниши бу соҳада муҳим воқеа бўлди.

Қонуннинг янги таҳририда мамлакатимиз қонунчилигида биринчи бор даврий босма нашрларнинг электрон версиялари ва Интернет-оммавий ахборот воситалари ҳақидаги меъёрлар киритилган. Интернет-нашрларнинг оммавий ахборот воситалари рўйхатига киритилиши, уларнинг ходимлари барча журналистлар учун кафолатланган ҳуқуқ ва имкониятлардан, шунингдек, қонун ҳимоясидан фойдалана олишларини англатади. Шубҳасиз, ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет ҳаётимизнинг барча соҳаларига тобора чуқур кириб бораётган ҳозирги кунда қонунга киритилган бу сингари ўзгартишлар устувор ва долзарб аҳамиятга эгадир.

Мамлакатни демократлаштириш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Масалан, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонунда фуқароларнинг ахборотни эркин олиш, монеликсиз излаш, узатиш ҳамда тарқатишга доир ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва шу билан боғлиқ масалалар тартибга солиниши белгилаб қўйилган. У давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, жамоат бирлашмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, мансабдор шахслар зиммасига ҳар кимга қонун ҳужжатлари, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиш, жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги ахборотни бериш вазифасини юклайди.

Ҳозирда қайд этилган қонун меъёрлари амалиётда кенг қўлланилаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, бугунги кунда барча давлат органлари, қолаверса, нодавлат ташкилотларининг аксарияти ўзининг веб-сайтига эга. Эндиликда ҳар бир одамда зарур ва керакли маълумотлар, қонун ҳужжатлари билан танишиш имконияти мавжуд. Айни пайтда давлат органлари веб-сайтларидан ташқари, бошқа веб-сайтларнинг сони ҳам муттасил ошиб бораётир. Масалан, "Uz" домен зонасидаги веб-сайтларнинг сони 2002 йилдаги 587 тадан бугунга келиб 8.256 тагача ошганлиги бу борадаги жадал ўзгаришларнинг яққол мисолидир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, веб-сайтларнинг сони тобора ошиб бораётганлиги нафақат фуқароларимизнинг, балки бошқа мамлакатлардаги қизиқувчиларнинг ҳам республикамиздаги ислоҳотлар ҳақида тўлақонли ва холис маълумотга эга бўлишлари учун имконият яратмоқда.

Ахборот эркинлиги тамойилларини мустаҳкамловчи конституциявий меъёрлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини ва умуман, ахборот соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, буни "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда журналист монеликсиз ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш ҳамда журналист текшируви ҳуқуқининг қатъи белгилаб қўйилганлигида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш борасидаги асосий вазифа — матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат. Ушбу вазифаларни бажаришда оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини яхшилаш, уларни илғор технологиялар ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали журналист кадрларни тайёрлаш ва уларнинг касб маҳоратини ошириш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис миллий ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ҳозирги кунда зарурдир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустаҳкамланиши, оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, уларнинг том маънода «тўртинчи ҳокимият» сифатида шаклланиши учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**Алишер МУМИНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси.**

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотишга, ишлаб чиқаришга ва импорт қилишга нисбатан тақиқнинг йўқлиги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан муомала қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабабларидан биридир. Мамлакатимизнинг тегишли қонун ҳужжатларига тузатишлар киритиш ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари кириб келишидан ҳимоя қилишнинг, энг асосийси эса, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишнинг янада самарали ҳуқуқий базасини яратиш имконини беради. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритиш таклиф этилган тузатишлар дори воситалари билан ноқонуний муомала қилишга пухта тўсиқ қўйиш, бундай қилмишлар учун жиноий таъқиб амалиётини бир хиллаштириш имконини бериши ҳам депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси муҳокамага қўйилган ҳужжатларнинг айрим ҳуқуқий қоидаларини яхшилаш юзасидан билдирилган фикрларнинг барчасини эшитиб ва муҳокама қилиб, қонун лойиҳаларининг концепцияларини маъқуллади ҳамда уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш. Тешаев «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 26 мартдаги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу Фармонга биноан, Маҳсулот тақсимотига оид битим шартларига мувофиқ бажариладиган лойиҳалар бўйича табиий газ, нефть ва газ конденсати учун мунтазам тўловлар (роялти) ер ости бойликларидан фойдаланилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва солиқ ставкалари бўйича амалга оширилади.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида депутатлар томонидан айрим норматив ҳужжатларнинг маҳсулот тақсимотига оид битимларнинг чет эллик инвестор-қатнашчиларидан ундириладиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ставкаларни белгилашга доир қисмига тааллуқли нормалар ўртасида тафовут борлиги, шунинг учун бундай номувофиқликка барҳам бериш зарурлиги таъкидланди. Ҳужжатни такомиллаштириш мақсадида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги ва «Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Собиржонов тақдим этди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси ва мулкчилик ҳуқуқи соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги сабабли юқорида айтиб ўтилган қонунлардаги кўпгина нормалар эскириб қолганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, мазкур қонунларнинг айрим қоидалари бошқа қонун ҳужжатларига зид келиб қолган, улардаги кўпгина тушунча ва атамалар эса, ҳозирги вақтда миллий қонунчилигимизда қўлланилмайди.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси вақтида депутатлар турли соҳалардаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ тартибга солиш мақсадида мамлакатимизнинг амал қилиб турган қонун ҳужжатларини мунтазам равишда тизимлаштириб бориш ва уларга ўз вақтида тузатишлар киритиш муҳим эканлигини таъкидладилар. Муҳокама давомида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Депутатлар Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси С. Турсунов тақдим этган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ҳужжат «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ, мазкур қонунларда ва мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган атамаларни бир хил қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қонунчилик ташаббуси тартибида бир гуруҳ депутатлар томонидан киритилди.

Қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича тушган барча таклифларни муҳокама қилиб, депутатлар унинг асосий қоидаларини маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

**(ЎзА).**

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини, барча ижодкорларни биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловига таклиф этади.**

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Танловга «Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллик тарихан қисқа даври давлатимиз учун ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий соҳаларда ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол юртимизда яшайдиган ҳар бир фуқаро ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси сифатида ўз қадр-қимматини англаб, истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши учун улкан имкониятлар яратиб бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиб берилган бўлиши керак.




Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганини, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш, ёш авлод онгу шуурига Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини сингдириш сингари мезонлар ҳаётимиздан чуқур ўрин олиб бораётганини, қатъий танлаб олган миллий тараққиёт йўлимиз асосида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганини, ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини тараннум этиши, энг муҳими, юртимизнинг жадал тараққиётини, халқимизнинг фаровон ҳаётини, диёримизнинг бутун дунёда обрў-эътибори тобора юксалаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

**«Энг улуғ, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

- *ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;*
- *босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;*
- *телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;*
- *тасвирий санъат асарлари;*
- *кино санъати асарлари.*

**Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:**

- *муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*
- *муаллифнинг паспорти нусхаси;*
- *иш жойидан тавсиянома;*
- *муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.*

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2009 йилнинг 10 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси.**
**Телефонлар: 244-32-33; 244-64-61; 244-11-64;**

# ЛАЗЗАТЛИ, СИФАТЛИ, БЕЖИРИМ

***Наманганликлар вилоят марказининг "Нуробод" даҳасидаги "Панда саноат савдо" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган қандолатчилик маҳсулотларига ана шундай таъриф беришади.***

Чунки Туркия ва Хитой технологик ускуналари ёрдамида тайёрланаётган ўндан ортиқ турдаги вафли, шоколад ва печеньелар дастурхон кўркига айланган бўлиб, мазалилик ва сифат бобида хориждан келтирилаётган ширинликлар билан бемалол рақобатлаша олади. Айни чоғда бу ерда кунига икки тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига жўнатилаётир.

Эътиборли жиҳати, қандолатчилик корхонасидаги технологик модернизация тадбирлари ниҳоясига етгач, "Панда саноат савдо"даги иш ўринлари яна юзтага ортади. МЧЖ раҳбарияти мазкур меҳнат ўринларини яқинда корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтказган Наманган савдо ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан тўлдиришни кўзлаб турибди.



**СУРАТДА:** корхона ҳаётидан лавҳа.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# САЛОҲИЯТИ ЮКСАК, САХОВАТИ БЕҚИЁС ЗАМИН

Ана шундай йириклашган фермер хўжалиги бошлиғи Солижон Маҳмудовнинг номи бугунги кунда Фарғона туманидагина эмас, балки бутун вилоятда ҳам тилга олинадиган бўлиб қолди. Негаки, у фермерлар орасида топқир, иш билгич, ер билимдони, айниқса, ташаббускорлиги билан ярқ этиб кўзга ташланди. Уни авваллари картошкачиликнинг пирларидан бири, дейишарди. Энди эса, бу сифатлари қаторига ғаллачилик ва пиллачилик ҳам қўшилди. Ўтган йили фермер йигирма миллиондан кўпроқ даромад олган эди.

Олий ихтисосли иқтисодчи Солижон бу йил бундан баландроқ марраларни кўзлаб турибди. Аллақаерлардан "Арнова" навли юқори ҳосилли уруғлик картошкани "ота баҳосида" сотиб олиб келиб экди. Ғалла ҳам етиштираяпти, етти қути ипак қурти ҳам боқди. Яна муҳими, у одамлардан иш талаб қилибгина қолмайди. Хўжалик аъзоларидан тўрт нафар эр-хотинни "Қани, куёвкелинлар, бир яйраб келинглар", деб дам олгани жўнатди. Дала шийпонига газ олиб келинган, музлаткич, телевизор ишлаб турибди. Дарвоқе, сауна қурилишини ҳам бошлаб юборди.

Кўриб турибсизки, ер ҳақиқий заршуносларига, одамшуносларига қўшиб берилаяпти. Бундан ким ютаяпти? Жавоб битта: ҳаммамиз.

Қувончлиси, деҳқон қаддини тобора тиклаб бораяпти. Бу йил, айниқса, унинг шашти баланд. Деҳқон қоматини адл қилган омил, аввало, давлатимизнинг қишлоқ аҳлига бўлган эътибори. Қолаверса, бугунги деҳқон бундан беш-олти йил олдинги деҳқондан хийлагина фарқ қилади. У эндиликда ҳисоб-китобни жойига қўядиган, муаммолар ечимини топишнинг уддасидан чиқадиган, давр шиддатларига мослаша оладиган бўлиб қолди.

Фарғонанинг деярли барча туманларида ўзларининг ажойиб ташаббуслари, ишдаги юксак натижалари билан ялт-юлт этиб кўзга ташланиб турган дала қаҳрамонларининг сафи кенгайиб бораётганидан кўнглинг яшнайди. Танлов асосида ер олиб, мулкдор бўлган Барҳаёт Тоштемиров Фурқат туманидаги "Барҳаёт фарангиз файз" фермер хўжалигининг бошлиғи. Пахтадан ҳам, ғалладан ҳам энг салмоқли хирмон кўтарган ёш фермер ўтган йили "Она ер — ёшлар қўлида" шиори остида ўтган ёш фермерларнинг вилоят кўрик-танловида ғолиб чиққанди. Ушбу танловнинг республика босқичида ҳам у ғолиблар сафидан жой олди. Муҳими шундаки, у олисларга нигоҳ ташлаб, қулочини кенг ёзиб иш юритадиганлардан. Бултур, охири ишни эплолмаган нўноқ фермерлар ерларини туман ҳокими қарори билан ўзиникига қўшиб олди. Мана, энди авваллари бегона ўт босиб ётган ўша ерларда ҳам ғаллазору пахтазорлар барқ уриб турибди. 90 гектар ерида ғалла ҳам, пахта ҳам юксак хирмонлар ваъда қилаётгандай. Бу халқимизнинг ризқ-рўзи дегани эмасми!

Дарвоқе, Барҳаёт Тоштемировнинг яна бир ҳавас қиларли томонини айтиб ўтмасам бўлмайди. У дала шийпони ёнбошида чорвачиликни ҳам ташкил этди. Оғилхонада беш бош сигир, беш бош бузоқ, икки бош новвос ҳам боқилади. Йигирмата қўй-қўзи ҳам бор. Эллик дона товуқ, йигирма уя асалари... Кўриб турибсизки, дала қозони қайнашдан тўхтамайди.

— Президентимизга минг раҳмат, — дейди фермер. — Давлатимиз раҳбарининг ҳаётбахш фармонлари сабабли бу кунларга етдим.

Унинг ихтиёрида ҳозир 8 хил замонавий техника воситалари бор. Яна йигирма гектар ерда мевали боғлар барпо этиш, ҳамқишлоқларидан юз нафарини доимий иш билан таъминлаш ниятида.

Барҳаётнинг қаторлашиб турган техника воситаларини кўриб, яқин кечмишдаги колхоз ва совхозларнинг "гараж" деб аталадиган, аксари трактор ва юк машиналари сақланадиган саройлари эсимга тушиб кетди. Бу хил "гараж"ларда ғилдираклари ергача ботиб кетган, занжирлари узилиб ётган чопиқ ва ҳайдов тракторлари, баллонлари олиб қўйилиб, қийшайиб ётган юк машиналари қалашиб ётарди. Бугунги кунда манзара бутунлай ўзгача. Энди фермерлар ихтиёридаги замонавий, қудратли техника воситалари калитини бураш ёхуд тугмачасини босишга маҳтал. "Гурр" этиб ишлаб кетади. Чунки у фермернинг ўзиники! Қаровини ҳам ўринлатади, ишлатишниям, сақлашниям билади.

Гапнинг сираси, бутун Фарғона вилояти ерлари, уларнинг ҳолати ва табиатини дурустгина биламан десам, лоф бўлмас. Яқин-яқинларгача талайгина майдонларда ҳосилдорлик анча қуйи, ҳатто 12-18 центнер атрофида бўларди. 35-38 центнердан пахта олиш рекорд ҳисобланарди. Бугунги кунда гектаридан 12 центнердан ҳосил олиниб келинган ўша далаларда ҳам ўттиз центнердан ҳосил олинадиган бўб қолинди. Бунинг сабаби битта: аввало, ер эгасини топди. Қолаверса, давлат фермерларга қудратли техника воситалари, ўғит, ёнилғи-мойлаш материалларини сотиб олиш учун узлуксиз мадад бериб келаяпти. Қисқаси, деҳқон ўзи орзу қилган нарсаларга қадам-бақадам эришиб бормоқда.

Мустақиллик йиллари республикамиз шаҳар-қишлоқларини ривожлантириш, обод қилиш даври бўлганлигини ким билмайди, дейсиз. Дунёнинг турли қитъаларидаги айрим мамлакатларда уя қурган сўқирларгина буни билиб-билмаганга олиб, бўлмағур гапларни айтиб, вайсаб юрган бўлса бордир, бир куни ҳасади ўзини ўлдиради. Аслида, ҳавас қилиб тўғри гапни айтишса, Яратган уларга ҳам беради. Бир куни қишлоғимиздаги яп-янги коллежга, талабалар билан учрашувга таклиф этиб қолишди. Бордим. Бу билим даргоҳининг ниҳоятда кўркамлигини, ҳар жиҳатдан қулай, кенг ва ёруғ синф хоналари, спорт зали, стадион, лабораториялар, устахоналар, компьютерхоналаргача энг замонавий ускуналар билан жиҳозланганини кўриб, севинчим тошиб кетди. Бундай коллежлар ҳозирда юртимизнинг ҳар бир қишлоғида бор, шукр. Бизнинг авлод — эллигинчи йиллар ўқувчилари лойшувоқ томлардан тинмай чакки ўтиб турадиган, бир томонга қийшайган деворларига тирговичлар қўйилган захмактабларда чала-чулпа ўқиб юрган йилларини беихтиёр эсласа, ўксиб кетади. Истиқлолга ташаккур, сарбонимизга раҳмат. Истиқлолимиз Фарғона қишлоқларида ҳам туб ўзгариш даврини бошлаб берди. Вилоятда янгидан бунёд этилган неча ўнлаб коллежлар ҳам чинакам ер эгаларини тайёрлаб бераяпти. Ҳаққоний равишда эътироф этилганидек, республикамиз мутахассислар мамлакатига айланиб бормоқда. Булар қаторида Фарғона ҳам бор!

Қишин-ёзин — қиш чилласида ҳам, баҳор жаласида ҳам, саратон жазирамасида ҳам бир оёғи далада бўлган деҳқон фақат маъмурчиликни ўйлайди. Иш билгич — бахтини, саодатини топиб, қуёшга қараб иш бошлайдиган фермерларнинг дала бошида шийпон билан туташган уйлари пайдо бўлаяпти. Далаларда қудратли ҳайдов тракторларидан тортиб, "Кейс"лар, ғалла, пичан ўриш комбайнларигача кўриб, ақлимиз шошади.

Хуллас, фарғоналиклар юракларида оловланган ҳароратлари билан енг шимариб, ишга киришганлар. Гўзал тонгларнинг этагида қуёш қиздиргунга қадар, оқшом тушгунча, ҳар куну тун меҳрларини дарёдай сочиб, истиқлолимиз роҳатини кўриб, эртанги кунга қулоч ёзиб, уфқларга қараб дадил қадам ташлаётганлар ҳам, шак-шубҳасиз, фарғоналиклардир.

**Охунжон ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

